



«Кайта-кайта тушгувчи (ёмгир)нинг эгаси бўлмиш осмонга касам». Торик сураси,
11-оят

Оятдаги «ёмгир» деб таржима килинган сўзга «кайта-кайта тушувчи» деган сифатнинг кўлланилиши ҳам ажойиб бир илмий ҳақиқатни баён қилади. Осмоннинг «кайтариш» сифатига эгаллиги бугунги кунда аниқ илмий далиллар билан исботланди.

Маълумки, Ерни ўраб турган атмосфера кўпгина катламлардан ташкил топган. Хар бир катлам Ернинг ҳаётий фаолиятида муайян бир функцияни, аниқ бир вазифани бажаради. Илмий тажрибалар ёрдамида аниқланишича, хар бир катлам ўзига яқинлашиб келаётган жисмлар ёки нурларни коинотга ёки Ер юзасига кайтариш хусусиятига эга экан.

Масалан, Ердан 13-15 километр баландликда жойлашган тропосфера Ер юзасидан кўтарилаётган бугни конденсатлаб, кейин уни ерга ёмгир шаклида кайтаради. Стратосферанинг куйи катлами бўлган озоносфера эса Ердан 25 километр баландликда жойлашган бўлиб, коинотдан келаётган радиация нурларини ҳамда зарарли ультрабинафша нурларни Ерга ўтказмай, уларни кайтариб туради.

Ионосфера катлами эса сунъий йўлдош каби Ер юзасидан таркалаётган радиотўлқинларни Ернинг бошқа қисмларига тарқатиб бериб, радио ва телесигналларни узок масофаларга узатишга имкон беради. Ионосфера туфайли радио ва телесигналларни, шунингдек, мобил телефонларнинг сигналларини катта масофаларга узатиш мумкин.

Магнитосфера ҳам, ўз навбатида, қуёш ва бошқа юлдузлардан таркалаётган зарарли радиоактив зарраларни Ерга яқинлаштирамай, ортга, коинотга кайтариб туради.

Инсоният яқинда хабар топган бу илмий хакикатлар, яъни осмонимизнинг бир неча катламлардан иборатлиги хақидаги сўзларни биз бундан ўн тўрт аср мукаддам нозил бўлган Қуръони Карим оятларида учратишимиз мумкин. Мана шу далил мукаддас китобимизнинг илохий вахий, яъни самовий китоб эканлигини бизга яна бир бор кўрсатиб беради.

Абу Муслим тайёрлади